Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 19 (9515). • 1989 йил 26 январь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг юзлаб меҳнаткашлари Металлургларнинг маданият саройида бўлиб ўтган сайловолди конференциясида иштирок этдилар. Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павловни СССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф этди. Қалмоққир конининг бошлиғи А. Матицин, Қўрғошин бойитиш фабрикасининг директори Г. Дауров, Олмалиқ кон-металлургия комбинати уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси А. Соловьев бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Меҳнат коллективининг конференциясида мис эритиш заводи металлургия цехининг бригадири В. К. Галиченкони ҳам СССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатиш таклиф қилинди.

Конференция аҳли 602-Бўка территориал сайлов округидан Александр Сергеевич Павловни, 119-Бўка миллий-территориал сайлов округидан Владимир Константинович Галиченкони СССР халқ депутатлигига номзодлар этиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

* * *

✦ «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмаларининг меҳнат коллективлари СССР халқ депутатлигига олти киши номзодини таклиф қилдилар. Сўнгра илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сайловолди конференциясида уларнинг ҳар бирига ўз программасини баён қилиб бериш ҳуқуқи берилди.

Конференция қатнашчилари кўпчилик овоз билан 599-Тошкент-Куйбишев территориал сайлов округидан Озод Маликович Набиевни, 115-Тошкент-Ҳамза миллий территориал сайлов округидан Абдураҳим Қаюмович Пўлатовни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

Ҳақли эътирозлар, ўринли мулоҳазалар

Ҳар қадамда тўхтатмаса

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАССАЖИРЛАР АВТОТРАНСПОРТИ БИРЛАШМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● ҲАЛИ-ҳали эсимда, бундан 20—25 йиллар илгари «ГАЗ—51» автомобили базасида яратилган кичикроқ автобуслар шаҳарга қатнарди. Унинг ҳайдовчилари ҳам хушмуомала бўлиб, халққа сидқидилдан хизмат қилишарди. Ҳозир ўша кичкина 61-маршрутли автобус ўрнига Октябрь колхоз бозори билан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Черняевка посёлкаси оралиғида 479-маршрутли автобус қатнамоқда. Бу автобус маршрутлари яқингача 3-автопаркка қарашли эди. Қандайдир сабаб билан бу автобус маршрутлари Келес автобус-таксомотор паркига ўтказилди-ю, шаҳарга қатнаб ишловчи ишчи-хизматчилар, студент-ўқувчиларнинг ташвиши ортди. Автобуслар графикдан чиқиб кетадиган одат чиқаришди. Илгари Октябрь колхози бозоридан сўнгги автобус соат 23 да жўнайдиган бўлса, ҳозир эса соат 21 га борib пассажирлар бу автобусдан умидни узадилар.

Қишлоқ автобуслари ҳақида яна бир мулоҳаза. Бизнинг 479-автобус маршрути шаҳардан Черняевкага боргунча 40 тага яқин бекатда тўхтаб ўтади. Шаҳарда транспорт қатнови бирмунча яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун қишлоқ автобусларини шаҳар ичида ҳар қадамда тўхтатиш шартмикин? Тағин бу бекатларнинг ораси 150—200 метрча бўлади. 479-автобус маршрути ишини ўрганаётганда шу масалага ҳам эътибор берилса ёмон бўлмасди. Охирги сиз — шу маршрутни яна 3-автобус паркига қайтаришнинг ниҳоясини йўқмикин?

Ж. ЕҚУБОВ,
Тошкент Алоқа политехникуми ўқитувчиси.

Ҳолимиздан хабар олишсин

ПАРКЕНТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● БИЗ Намданак қишлоқ Советига қарашли Навдак қишлоғининг Ҳамза, Будённий, Молодежная кўчаларида яшаймиз. Кўчаларимизнинг номини эшитган одам замонавий, камчиликсиз кўча экан деб ўйлаши мумкин, чунки бундай тарихий номлар ҳар қаерга ҳам қўйилавермайди. Афсуски, бундай эмас. Кўчаларимизга кирган одам иккинчи бу ерга қадам босмайман деб чиқиб кетади. Кўчалар тор, тор бўлишига сабаб айрим ўзбошимчалар кўчаларни шахсий томорқаларига қўшиб олганлар. Бу одамларга ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Куз ва қиш фаслида иложи борича кўчага чиқмасликка ҳаракат қиламиз. Тиззагача лойга ботиб юриш кимга ёқади. Ўқишга қатнайдиган мактаб ўқувчиларнинг аҳволига қараб бўлмайди. Кўчалардан кечаси юриб бўлмайди — чироқ йўқ. Маҳалламизда ичимлик суви чатоқ. Эркаклар саҳарлаб ишга кетадилар, уй юмушлари аёлларга қолади. Аёлларимиз эса бир километр йўл босиб сув ташиб келиб рўзғорга ишлатадилар. Ёзамиз десак гап кўп. Юқоридаги гаплар — асосийлари, зеро хатимиз газетада босилгач, район раҳбарлари ҳолимиздан хабар олишса!

ЖАМИ 24 ИМЗО.

Бекат керак

БЕКОБОД РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● УШБУ хатга ўн кишн имзо қўйгани билан уни Хос қишлоғида яшовчи 200 кишн номидан ёзаяпмиз. Қишлоғимизнинг деярли 75 фоиз аҳолиси шаҳар ва районларда меҳнат қилишади. Районимиз ўзининг кучли шамоли билан машҳур. Қишлоғимиз эса худди шу шамол ўтадиган зонага жойлашган. Аҳоли ишга транспортда қатнайди. Автобуслар бир маромда юрса майли эди. Уларни узоқ вақт кутиб қолишга тўғри келади. Қишлоғимизда автобусларнинг тўхташ жойида бекат тўғрисида белги бор, холос. Одамлар қаттиқ шамол пайтида ҳам, ёғин-сочинлиқ кунларда ҳам очиқ ҳавода туриб қолаяптилар. Битта тузукроқ бекат қуриб бериш бутун бошли район ижроия комитетига оғирлиқ қилмаса керак, деб ўйлаймиз.

ЖАМИ 10 ИМЗО.

Чойхона қачон очилади?

КОММУНИСТИК РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● БУНДАН беш—ўн йил илгари Коммунистик районидаги Жумабозор қишлоғида тўққизта чойхона бўлар эди. 1989 йилга келиб улардан битта ҳам қолмади. Аниқроғи сўнгги чойхона 1987 йилгача ишлаб турган эди. Чойхона ишлаган ўша вақтларда чойхоначи Мелибой Кийиков анча нарсадан сув ташиб келиб самовар ёқарди. Жумабозор матлубот жамияти раҳбарлари «Сиз қийналиб кетдингиз, чойхонага сув билан канализация ўтказиб берамиз» — деб чойхонани ёпишганига анча бўлиб қолди. Наҳотки кавлаб тайёр қилиб қўйилган жойга қувурлар ўтказиб сув келтириш шунчалик қийин бўлса?

Маҳаллий аҳоли номидан

А. КАРИМОВ.

Қумни ким сепади?

ЧИРЧИҚ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● БУ ЙИЛГИ қиш қорларга бой бўлди. Қиш ҳақиқий қишлигини қилди. Кўчаларга ёққан қорни кураб улгуриб бўлмади. Тез кунда кундузлари илиқ бошлади, кечалари совуқ бўлди. Натижада йўллар сирғанчиқ бўлиб қолди. Менинг 80 ёшли қўшним шундай кунларнинг бирида Чирчиқ савдо идорасига қарашли 1-магазин эшиги олдида йиқилиб жароҳатланди. Худди шу магазин олдида бундай воқеалар кўп бўлди. Наҳотки магазин ходимларига бу серқатнов йўлкага қум ёки ёғоч қириндиси сепиб қўйиш қийин бўлса! Магазинчиларнинг гапига қараганда, бу ишларни 3-турар-жой эксплуатацияси бошқармаси ишчилари бажаришлари лозим эмиш. Бошқармадагилар эса ҳар ким ўз территориясига қум сепиши керак, шу жумладан магазин ходимлари ҳам, деб жавоб беришди. Бу ишни ким бажариши керак?

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Бизнинг таклиф

ҒАЛАБА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

● БИЗ совхознинг марказида турамиз. Бу ерда на клуб, на ҳаммом, на бир замонавий мактаб бор. Тўғри, бу санаб ўтган объектларни ярим — бир йилда қуриб бўлмайди. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга айтганмиз. Бизга ҳозир зарурн — автобус. Район марказига қатнашга жуда қийналамиз — 4 ярим километр пиёда йўл босиш ҳар кимга ҳам осон бўлмаса керак. Бу ҳақдаги арзимизни район ижроия комитети раҳбарларига айтсак қандай жавоб беришди денг: улар айтишдики, биз томонга автобус қўйилса ўзини оқламас эмиш. Бундан ташқари Оққўрғон автобус парки ҳам хўжалик ҳисобига ўтгач уларга ҳам бу маршрут тўғри келмасмиш. Биз қуйидагича маршрут очишни таклиф этамиз: Солдатское — Восток совхоз маркази — Гул ёки Қўрғонча—Восток— Гул — Қўрғонча. Биз айтган бу маршрутда одам доим бўлади.

ЖАМИ 33 ИМЗО.

✦ ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз механизаторлари ҳар йили районда биринчи бўлиб техника ремонтини якунлашади. Бу йил ҳам хўжаликда мавжуд барча машина ва механизмлар мавсумга шай қилиб қўйилди. Айни кунларда комиссия аъзолари ремонтдан чиқарилган терим агрегатларини, сеялка ва бошқа механизмларни яна бир бор текшириб, қабул қилиб олишмоқда. СУРАТЛАРДА: (ўнгда юқоридан) илғор механизатор Абдувоҳид Абдумўминов; колхоз бош инженери Валерий Ким (чапда) ва механик Абдували Каримов суҳбатда; мавсумга тайёр пахта териш машиналари.

А. Зуфаров фотолари.

БИР-БИРИГА УСТОЗ

ЎТТИЗ олти йилдан бери Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қиламан. Корхонада ўтган умрим ҳақида ўйларканман, шу вақт ичида нимагаки эришган бўлсак ҳаммаси одамларимиз қалбидаги интернационалистик туйғу туфайли эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Негаки бу ерда руслар ва ўзбеклар, украинлар ва белорусслар, мордвинлар ва бошқирдлар, қозоқ ва татарлар, бошқа кўплаб миллат ва элат вакиллари ишлашади. Улар ўзлари орттирган бой ҳаётий тажрибаларини ва билимларини миллат ва элатидан қатъий назар барча ёшлар билан ўртоқлашадилар.

Корхонамизда ана шундай шуурдан баҳраманд бўлган ишчилардан бири Маҳамаджон Жалоловдир. Унга фрезерлик касбини тажрибали ишчи Пётр Матицин ўргатган. Энди эса унинг ўзи ёшларга касб ўргатмоқда. «Ҳурмат белгиси» ордени билан ҳам тақдирланган. Орденни топширишаётганда сўз олиб:

— Раҳмат!.. — деганди у. — Мен чиройли гапиришни билмайман. Сизлардан қанчалик миннатдорлигимни ишим билан исботлайман.

У ўз сўзининг устидан чиқди. Ҳозирда ўндан ортиқ ёшларнинг устози. «Сифат аълочиси» деган юксак номни олишга сазовор бўлди...

Инсон ўзгаларга яхшилик қилар экан икки бор — дастлаб шу хайрли ишга қўл урганда, сўнг унинг натижасини кўриб мамнуният ҳис қилади. Корхонамизда шундай юксак ишонч билан яшаётган Пётр Матицин билан Маҳамаджон Жалоловлар каби устоз ва шогирдлар кўплаб топилади. Уларнинг бири Юрий Голиков. У ишлов берган деталлар доимо аъло баҳоланади. Шунинг учун «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медалига сазовор бўлган. У ҳам фақат тадбиркор ишчигина эмас, ёшларнинг фаол мураббийси сифатида ҳам.

— Ҳозир мен тўртинчи разрядга эгаман, — дейди унинг қўлида ишчилик касбини ўрганган Қўчқор Кенжаев биз билан суҳбатда. — Юрий Николаевич мен билан фақат иш тажрибасинигина ўртоқлашиб қолмади. Ўзи ясаган турли мосламаларни ҳам фойдаланишга бериб туради, Асбоблардан қандай фойдаланишни ўрнида қайта-қайта тушунтиришдан эринмайди. Шунинг учун ҳам касбимни пухта эгалладим.

Корхонамиздаги ана шундай ҳамжиҳатлик ва халқаримизнинг бузилмас дўстлиги туфайли Қўчқорнинг укалари Шавкат ва Султонлар ҳам шу ерга ишга келишди. Кенжаевлар сулоласи юзага келди. Уларга қараб халқлар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабат нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор ҳис қилдим. Уни авайлайлик, қадрига етайлик.

С. ЧИНАЕВ,
В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

ИЖАРАГА БЕРИЛДИ

«АНГРЕН» совхози 3-бўлимидаги Қўзибой Тошбоев бошлиқ чорвачилик бригадасидаги мавжуд 392 бош қорамол ижарачиларга бўлиб берилди. Жумладан, Муҳаммад Парпиев бошлиқ оилавий звенога 60 бош сигир, Малик Менглиевга ҳам шунча миқдорда сигир, Омон Тўрақулов, Жалол Тўрақулов, Баҳром Ниёзовларга эса 122 бош ғунажин биркитилди. Улар билан тузилган шартномада ҳамма нарса келишиб олинди. Ижарачиларга соғиб олинган сутнинг миқдори, ёғлилик даражасига қараб ҳақ берилади. Хўжалик маъмурияти ўз вақтида уларни етарли миқдордаги озуқалар билан таъминлайди. Малакали мутахассислар хизмат кўрсатадилар. Дастлабки натижалар қувончли бўлмоқда. Сигирлардан соғиб олинаётган сут анча кўпайди. Ғунажинлар яхши парвариш қилинмоқда.

Ижарадан кўзланган мақсадга эришиш учун ҳали бир қатор камчиликларни бартараф этиш керак. Энг аввало кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш, фермада иссиқ овқат ташкил этишни йўлга қўйиш зарур.

Ҳозирги кунда совхоз маъмурияти ана шу муаммоларни тезроқ ҳал қилиш тўғрисида ўйлаши керак.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

ДЎСТЛАР БИЛАН ҲАМДАРДМИЗ

Зилзиладан кейинги иккинчи кун

ҲИСОР (Тожикистон ССР), 24 январь. (ТАСС мухбирлари Г. Гриднева, Л. Пильман). Кечаги зилзила Ҳисор районидаги тоғликлар жонига жабр бўлди. Бундан икки кунгина муқаддам бу ерда деҳқонларнинг расамади билан қурилган қўрғони қад кўтариб турар эди. Эндиликда эса улар ўрнида чодирлар ва ўтовлар тикилмоқда. Табиий офат содир бўлган қишлоқларда гулханлар ёниб турибди. Узлуксиз дафн маросимлари бўлмоқда.

Шарора қишлоғига бордик. 7 баллик зилзила туфайли тоғ кўчиб тушиб, 50 дан кўпроқ қўрғон ва бу хонадонларда яшаган одамлар қалин тупроқ остида кўмилиб кетди. Қутқарувчилар ана шу юмшоқ қизғиш-сариқ тепаликда — ана шу қардошлик мозорининг устида оҳиста қадам ташлаб бормоқдалар, тепалик остонасида эса экскаватор чўмичи аста-секин тупроқни қазиб чиқаряпти. Кўчки, бало-қазодек ёпирилиб келиб, данғиллама ҳовли-жойни босди. Ромлардан ўтиб, томдан ошди, сўнгра «кучи қирқилиб» тўхтади. Тупроқ уюмлари тўпланиб турган жойдан нари ўтсангиз, зилзила туфайли вайрон бўлган маҳаллаларга дуч келасиз.

Биз кўчки тушган жойдан бир неча ўн метр наридаги ҳовлига кирдик. Уй олдида ўтов тикилган, таомилга кўра у намат билан ёпилган. Ўтовга Кажмахон Болтабоев, унинг хотини ва бешта ёш ўғилларн кўчиб киришибди.

— Уйга киришга юрагимиз бетламай турибди, — дейди Кажмахон. Том босишига бир баҳъя қолган. Зилзила тинчимагунча ўтовда қишлаб турсак ҳам бўлади.

Бошқа ҳовлиларда эса ўтовларни эндигина тикишмоқда. Бу кўчадаги маҳалладошларига қозоқ Кажмахон ёрдам берибди, чунки у, ўтов нима-ю, уни қандай қилиб тикиш лозимлигини биладиган шу даҳадаги яккаю-ягона кишидир.

Шарора қишлоғидаги табиий офат оқибатларини тугатиш штабининг раҳбари, Ҳисор район ижроия комитетининг раиси Р. Қаюмов 6 мингдан кўпроқ аҳоли яшаган қишлоқдаги ҳовли-жойларнинг учдан икки қисми батамом вайрон бўлганлигини ёки авария ҳолатига келганлигини айтди. Душанбедан бу ерга 72 та йиғма уй, 130 та чўнонларнинг уйи ва ўтови, чодирлар келтирилди. Аммо бу жуда оз. Таҳминий ҳисоб-китобларга қараганда, яна камида 450 та йиғма уй ёки ўтов зарур бўлади. Бу муаммолар бир қадар ҳал этилаётган бўлса ҳам, аммо қутқариш ишлари жуда мушкул бўлиб турибди. Кўчки ҳовли-жойларни босиб қолмай, уларни неча ўнлаб метрга ҳам суриб кетди. Бу ерга келтирилган техниканинг ана шу ишларни адо этиш учун қувватн кам, бунинг устига шу техника ҳам етишмай турибди. Оқулипоён ва Оқулиболо қишлоқларидаги қутқарувчилар олдида ҳам мушкул вазифалар турибди.

Офат содир бўлган районда иссиқ таом тайёрланмоқда, озиқ-овқат сотилмоқда, лекин ичимлик сув етишмай турибди. Бўлоқларни ва водопроводни тупроқ босиб қолган ёки улар батамом вайрон бўлган, йўлларда қатнов кўплиги учун автоцистерналарда сув ташиб келиш қийин бўлиб қолди. Одамларга ўтин-кўмир зарур.

Бунинг устига аҳоли кўп воқеалардан етарлича хабардор бўлмаётир. Одамлар ёнимизга келиб, турли саволлар беришди. «Янги ҳужжатларни ким беради, ахир эскилари вайроналар тагида қолиб кетди-ку!», — деб сўрагувчилар ҳам бўлди.

Тожикистон тез-тез қаттиқ зилзила бўлиб турадиган минтақада жойлашганлигига қарамай, ана шундай офатларга тайёргарлик кўрилмагани ҳам сезилиб турибди. Бу офат шундан далолат бериб турибдики, экстремал воқеалар содир бўланида, табиий офат оқибатларини тугатиш учун махсус бўлимлар тузилган бўлиши керак, бу бўлимлар қўлида қудратли техника ҳам бўлиши зарур. Ўтовни тез тика оладиган, уйни йиға оладиган ёки чодирни тика оладиган кишилар зарур, улар бу юмушни бошқаларга ҳам ўргатишлари керак. Яъни қутқариш билан бир қаторда тартиб сақлаш, келаётган юкларни қатъий ҳисобга олиш ва назорат қилиш, аҳолини жойлаштириш билан машғул бўладиган мутахассислар даркор.

ҚАРДОШЛАРНИ ҚУЛФАТДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ

Ўзбекистон меҳнатчилари кўшни республикада рўй берган кучли зилзилани эшитиб жуда ачиндилар. 24 январь куни Тошкентдан Душанбега самолётда яра боғлаш материаллари, иссиқ кийим-кечак, кўрпа-тўшакларнинг дастлабки туркими юборилди. Республика Қизил Ярим Ой жамияти табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам учун 15 минг сўм пул ўтказди. Республика «Узторгодежда» идораси билан «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг ходимлари тожик қардошларга керакли буюмларни зудлик билан йиғишга ёрдам бердилар.

— Тошкент, Газли, Назарбек зилзилаларидан кейин тожик қўшниларнинг берган ёрдами яхши эсимизда, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Марказий Комитетининг раиси О. Воҳидова. — Бизнинг регионимизда тез-тез содир бўлиб турган ер ости офати қардошлик алоқаларининг нақадар теранлигини ҳам юзага чиқармоқда. Бизнинг республикамизда шундай бўлган эди, Арманистонда ҳам шундай бўлди ва бўлаяпти, Тожикистонда ҳам шундай бўлади. Ўзбекистоннинг бутун аҳолиси Ҳисор зилзиласидан азият чеккан кишиларга ҳар томонлама мадад бериш тўғрисидаги даъватга лаббай, деб жавоб беришларига ишончим комил.

(ЎзТАГ мухбири).

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетига Тожикистон ССР Олий Совети Президиумига Тожикистон ССР Министрлар Советига

Қадрли ўртоқлар!

Қардош Тожикистонда вайронгарчиликка ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган мудҳиш зилзила ҳақидаги хабардан чуқур қайғуга тушдик.

Ўз вақтида Тошкент зилзиласининг даҳшатли вайронгарчилик кучини бошидан кечирган Ўзбекистон аҳолиси кўшни республиканинг бир қанча районларида юз берган кулфат ва фожиани жуда яхши тушунади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндошлари ҳамда ёр-биродарларига бизнинг таскин берувчи сўзларимизни ва чуқур ҳамдардлигимизни топширишингизни сўраймиз. Биз ер ости офати оқибатларини тугатишда ҳар қандай зарур ёрдам бериш учун чора-тадбирлар кўраяпмиз ва ана шундай ёрдам беришга тайёрмиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил январь Пленумида қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» мурожаатномаси текстини плакат тарзида ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чиқарди.

(ЎзТАГ).

• *Идеология бўлими почтасидан* •

ҲАМ ТАЛАБ, ҲАМ ЁРДАМ

Аттестация комиссияси аъзоларининг Абдали Серкабоев ҳақидаги фикрлари яқдил бўлди. У ичкиликбозлиги, оилада ўзини нотўғри тутиши, умуман коммунист номига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлари учун аттестация қилинмади. Бошланғич партия ташкилоти комиссия хулосасини маъқуллаб, уни КПСС safidan ўчиришга қарор қилди.

Яна бир коммунист — З. Қўшмоқова нисбатан ҳам ана шундай қатъий чора кўришга мажбур бўлинди. У партия йиғилишларида қатнашмас, ҳатто, аъзолик бадалларини ҳам тўламай қўйганди.

Биз бу қарорга бирданига келганимиз йўқ. Аттестация комиссияси аъзолари ҳар икки коммунист билан батафсил суҳбатлашдилар. Камчиликларни тугатиш учун имкон бердилар. Бироқ улар бу имкониятдан фойдаланишни хоҳламадилар.

Фарида Сайдазова, Жамол Қўчқоров, Нурали Баймоқовларга эса аттестация комиссияси аъзоларининг жиддий эътирозлари сабоқ бўлди. Улар аттестациядан шартли равишда ўтказилди, ва бир йил синов муддати белгиланди. Шу давр ичида улар аттестация комиссиясининг қатъий назорати остида бўладилар. Партиявий топшириқларни бажарадилар. Буни коммунистлардан А. Тожибоев, И. Қўчқоров доим назорат қилиб борадилар, синовдаги ўртоқларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида турувчи 95 коммунистни синовдан ўтказувчи аттестация комиссияси составида А. Қобулов, Б. Тожибоев, З. Бойжигитов, З. Абдураҳмонова сингари кекса ва тажрибали партия аъзолари бор. Улар хўжаликдаги цех партия ташкилотларига бириктириб қўйилган. Комиссия аъзолари коммунистларнинг иш фаолиятлари, партиявий топшириқларни қандай бажараётганликлари, оилавий турмушлари билан яқиндан танишиб бормоқдалар.

Ҳозирги пайтда аттестация комиссияси аъзолари партияга қабул қилиш масаласида ҳам бошланғич ташкилотига кўмаклашаяптилар. Жумладан, бизнинг тавсиямиз билан чорвачилик комплексининг ишчиси Абдували Абдикаримов, 18-мактаб илмий бўлим мудири Маҳбуба Аҳмаджонова КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар. Комиссиямиз аъзолари ҳозир партияга киришга тайёрланаётган шофёр А. Ашуров, ишчи Х. Эгамбердиева, иқтисодчи Ҳ. Бейлиевларга яқиндан кўмаклашяптилар.

М. БУРИЕВ,
Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози партия ташкилоти аттестация комиссиясининг раиси.

МАҲАЛЛАЛАРДА СУҲБАТЛАР

Октябрь районидаги А. Навоий номли маданият уйи ходимлари илмий-материалистик билимларни кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу ишда улар республика илмий атеизм уйи ва Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти билан ҳамкорлик қилишяпти. Улар ёрдамида кейинги вақтда Маяковский, Фаол, Гулбозор, Чарҳкамолон, Ильич, Олмазор сингари маҳаллаларда «Дин ва замон», «Фан, дин инсон тақдири ҳақида», «Ўзбекистонда атеистик тарбия масалалари», «Янгича анъана ва маросимлар ҳаётга» каби мавзуларда лекциялар, суҳбатлар ўтказилди.

Районда атеистик билимлар ва совет маросимларини пропаганда қилишда «Нурафшон» атеистик клуби ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда.

Ҳ. КАРИМОВ.
«Ўзбекистон коммунисти» журнали ходими.

ПЛАН КОМИССИЯСИ МАЖЛИСГА ЮЗАКИ ТАЙЁРЛАНИБДИ

БУ САФАР ижроком мажлисининг кун тартибига 1988 йилда Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилиши якунлари биринчи масала қилиб қўйилган эди. Ишлаб чиқариш-экономика бош бошқармасининг план комиссияси шу масалада мажлисга материал тайёрлаши керак эди. Бироқ план комиссияси раисининг ўринбосари Ж. Шоисмоилов мажлисдаги ҳисобот сўзини тугатмасиданоқ комиссиянинг бу масалага юзаки ёндашганини, материални яхши тайёрламаганлиги маълум бўлди.

Биринчидан, Ж. Шоисмоиловнинг гапни КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатидан кўчирма билан бошлаши шарт эмас эди. Чунки, кўрилаётган масала аниқ, лўнда: ўтган йил қайси соҳа қандай якунланди, нималарга эришилди, нималарга эришилмади. Хўш, Мурожаатнинг нима алоқаси бор бунга? Гап шундаки, бизда докладларни, нутқ ва ҳисоботларни неча йиллардан бери давом этиб келаётган бир хил қолипда ёзиш одат бўлиб қолган. Асосий текст бирдек тураверади, фақат номлар, рақамлар ўзгаради, холос.

Иккинчидан, нотиқ эски «касал» бўйича аввал ютуқларни бирма-бир таърифлади, кейин камчилик ва нуқсонларни санаб берди. Шундай экан, ўша ишламаётганлар кимлар, тузалмаётган қолоқларчи? Камчилик ва нуқсонларнинг асосий келиб чиқиш сабаблари нимада? Уларни тугатишнинг йўли, иложи борми ўзи? Афсуски, нотиқ бу ҳақда дурустроқ фикр-мулоҳаза айтмади. Бунинг ўрнига у сўзининг охирида М. С. Горбачевнинг СССР Олий Совети ўн иккинчи сессиясидаги нутқидан яна бир чиройли кўчирма келтирди. Буниси энди мутлақо ортиқча бўлди. Ўрни бўлса, бўлмаса ҳукумат раҳбарлари фикрларини такрорлайверишнинг, номларини тилга олаверишнинг нима зарурати бор! Бунинг ўрнига аҳволни ўнглаш ҳақида қайғуриш маъқул эмасми ахир.

Область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, ижроком аъзоси А. Тернових план комиссиясининг ушбу масалани мажлисга қандай тайёрлаганлигини шундай баҳолади: «Биз ҳозир 1988 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилиши якунларини муҳокама қилмадик ҳисоб, шунчаки статистика маълумотлари эълон қилинди, холос».

«Бўлди-да, энди, бўлар-бўлмас ҳисоботлар билан қутулиб кетилаверадими,— деди область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Гусаков.— Тўрт-беш йилдан бери қайта қуриш ҳақида фақат гапирамиз, амалда эса ҳеч нарса қилмаймиз, иш жойида тураверади. Ишлайдиган бўлсак ишлайлик, справкалар-у ҳисоботлар билан қоғоз тўлдиришлар етар энди».

Тўғри, справкабозликни, ҳисоботбозликни йиғиштириб қўйиб, ишни жонлантиришнинг йўл-йўриғини қидириш керак. Ахир муаммолар, жумбоқлар озмунчами. Чунончи, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 0,6 процент камайди. Областдаги 67 корхона ёки ҳар уч корхонанинг бири ўсиш суръатини аввалги йилдагига нисбатан 6,2 процент пасайтириб юборди. Шунингдек, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари ҳам бажарилмаяпти. Ҳар тўрт корхона эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани ни уддаламаяпти. Аҳолига пландагидан 16,2 миллион сўмлик кам пулли хизмат кўрсатилди.

• ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА •

Бир йилга белгиланган давлат капитал маблағи лимити 87 процент ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари плани 89 процент бажарилди. Область қурилиш ташкилотлари бир йил давомида план-топшириқдаги 756 ўрнига 256 ўринли шифохонани фойдаланишга топширдилар, холос.

Область агросаноат комплекси соҳасидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Ижара ва оила пудрати сарф-харажатларни ҳисоблаб боришнинг чек усули жуда суст жорий қилиняпти. Чорвачиликда эса коллектив ва бригада пудрати ўтган йили кенг қўлланилмади. Пахтачиликни ривожлантиришга бир томонлама ёндашилмоқда яъни пахта майдонлари камайтирилмаяпти. Оқибатда бошқа экинлардан, айниқса, картошка ва озуқа экинлари пландагидан кам экиляпти. Пландагидан 6,3 минг тонна кам картошка сотилганлигининг, 15 та райондан 13 таси мева, 12 таси узум сотиш планини уддалай олмаганлигининг асосий сабабларидан бири шу.

Оққўрғон райони хусусида алоҳида фикр билдиришга тўғри келади. Район хўжаликларининг 58 проценти 1988 йил планларини ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича барбод қилди. Табиийки, нима учун шундай бўлди, деган савол туғилади. Район Совети ижроия комитети раиси Саидкамол Баҳромов эса бунга жавобан ўтган йилги ҳосилдан ғамлаб қўйилган 500 тонна пиёзни рўкач қилади. Қизиқ, гап нима ҳақида бораяпти-ю, у бўлса...

«Ахир аҳолини фақат пиёз билан боқиб бўлмайди-ку!— дейди Н. Гусаков куйиниб.— Картошка қани, мева қани? Боғчага, мактабга бориб кўрингчи, ошхонасида нима бор экан! Гап шундаки, экинларни турлари бўйича экиш планларини бузасизлар. Қўйсаларингчи, ахир шу пахтани, намунча унга ёпишиб олдиларинг. Бунинг ўрнига одамларни боқсаларингчи».

Раҳбарнинг зардаси қайнаганини кўрган кичик раҳбар «тадбирлар ишлаб чиқанмиз», «программа тузганмиз», «ҳамма чорани кўрамиз» дейишга тушиб қолди. Афсуски, бу ҳамма раисларга теккан «касал». Жиддийроқ танқид ва жазолардан қутулиб қолиш учун улар «тугатамиз», «чора кўрамиз», «бажарамиз» сўзлари билан ниқобланишга одатланишган. Бу усул афтидан қўл келяпти шекилли, такрорланиб турибди.

Хуллас, муҳокама охирлаб, кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинадиган бўлди. Бироқ, қарорнинг план комиссияси раиси ҳаммасини лойиҳаси ҳам жиддий танқидга дуч келди. Аввало, қарор «кўрсатиб ўтилсин», «топширилсин», «зиммасига юклатилсин», «таъминланисин» ва ҳоказо буйруқнамо сўзлардан иборат эски қолипда тайёрланган. Бундай тайин-таъсири йўқ қарордан нима фойда. Шунинг ўрнига нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни йўқотиш йўллари ҳақида ёзилса бўлмайдими.

Иккинчидан, қарор лойиҳасида конкрет аҳвол учун айбдорларнинг исм-шарифлари аниқ тилга олинмаган, уларнинг қай йўсиндаги жазога лойиқ эканлиги кўрсатилмаган. Қачонгача одамларнинг тасаввурида ҳамма иш учун Эшмат билан Тошмат айбдор бўлиб қолаверади.

— Энди бундай иш услубидан воз кечайлик,— дейишди ижроком аъзолари пировардида.— Акс ҳолда биз гапдан тўхтамай, иш эса жойидан жилмайди, на иқтисодий, на социал ривожланиш бўлади.

ТАЪЛИМ—ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент область партия комитетининг кичик мажлислар залида район комсомол ташкилотлари секретарлари ва пионер уйлари директорларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда область халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Жалилов йиғилганларга халқ таълими ходимлари олдида турган муҳим, долзарб муаммолар, хусусан, узluксиз таълимнинг ягона системасини вужудга келтириш вазифалари ҳақида гапириб берди.

Халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди делегати, Куйбишев район халқ таълими бўлими мудири М. А. Робиновичнинг сўзларини ҳам кўпчилик қизиқиб тинглади. Жумладан, ёшларнинг мамлакат тарихига, миллий маданиятга, иҳтимоий турмушнинг турли масалаларига қизиқиши ортганлиги, бу фанларни ўқитиш эса кўп ҳолларда эски усулларда олиб борилаётганлиги ҳақида тўхталди.

— Ҳозирги кунда, —деди у, — ўқувчиларнинг қобилиятларини имкони борича юзага чиқариш учун ўқитувчини улуғлаш, унинг меҳнати ва турмушини ўзгартириш зарур. Умуман, тобора ривожланиб борувчи ўқитувчи шахси — педагогик таълимнинг марказида бўлиши кераклиги энг муҳим вазифадир.

Йиғилишда Олмалиқ шаҳар пионерлар уйи директори, халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди делегати Р. Юн мактабдан ташқари ишлар муаммолари ҳақида гапирди. Директор таъкидлаганидек, бола тарбиясида мактабдан ташқари муассасаларнинг роли бениҳоя катта. Шунинг учун ҳам мактабдан ташқари муассасалар ёшларни тарбиялашда мустақил ва тенг ҳуқуқли бўғин бўлиб қолиши керак.

Лекин бу соҳада минглаб педагоглар, санъат арбоблари ишлаётган бўлсаларда, улар ҳақида етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Чунончи, бундай муассасаларда ишлаш учун олий ёки ўрта махсус маълумот талаб этилгани ҳолда маош ниҳоятда кам. Бу эса кадрлар танқислигига сабаб бўляпти.

Яна бир масала. У ҳам бўлса моддий-техник базанинг ниҳоятда қашшоқлигидир. Областимиздаги жуда кўп пионерлар уйлари ночор биноларда жойлашган, хоналар етишмайди. Замонавий техник асбоб-ускуналарга муҳтож. Натижада кўпгина пионерлар уйларида аксарият тикиш-бичиш, тўқув, расм ва нақш тўғараклари фаолият кўрсатмоқда, холос. Мисол учун Олмалиқда 17 минг ўқувчи бўлгани ҳолда атиги биттагина компьютерли синф мавжуд, холос.

Бу давра суҳбатида Тошкент область комсомол комитети пропаганда бўлими мудири Э. Солиев ҳам мактабларда интернационал тарбияни тўғри йўлга қўйиш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

З. ЖУРАЕВА.

● СССР халқ депутатларининг бу йилги сайлови тўла демократия асосида ўтишн муносабати билан ҳамма ерда унга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил депутатликка номзодларни тарғибот қилиш ҳам ошкоралик руҳида ўтади. Шу муносабат билан Тошкент офсет босма фабрикаси матбаачилари ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қрим татар ва қорақалпоқ тилларида сайлов мавзусидаги бадиий плакатларни кўплаб тайёрламоқдалар. Суратда: босма цехи назоратчилари Д. Қамбарова билан Ш. Комиловалар плакатларни жўнатиш учун тайёрламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАЙДОВЧИЛАР СУЛОЛАСИ

ОРТИҚБОЙ ака Исмоилов мана ўттиз тўрт йилдирки эл хизматида. Автобус ҳайдаб чирчиқликлар ва шаҳар меҳмонлари узоғини яқин қилиб келмоқда. У 1954 йилда Чирчиқ автотранспорт парки ташкил этилган дастлабки кунларданоқ шу ерда меҳнат қиляпти. Шу вақт ичида турли маршрутларда намунали хизмат кўрсатиб, йўловчилар эътиборини қозонди.

Ортиқбой ака ўз касбига бўлган ҳурмати туфайли фарзандларини ҳам ортидан эргаштира олди. Исмоиловлар сулоласини юзага келтирди. Мана, катта ўғли Ориф Исмоилов ўн йилдирки, отаси билан бир сафда шу коллективда меҳнат қиляпти. Кичик ўғиллари Ҳасан ва Ҳусанлар ҳам шаҳар маршрут таксилари қатнайдиган турли йўналишларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келишмоқда.

Чирчиқда Исмоиловлар сулоласини кўпчилик билади. Шунинг учун ҳам биз ветеран транспортчи Ортиқбой акага ҳам, унинг фарзандларига ҳам миннатдорчилик билан ҳамиша соғ бўлинг, эл хизматида чарчаманг деймиз.

М. ЖУМАНОВА

• *Газетхон ва газета*

НОМЛАРИ ТИКЛАНСИН

Менда газетада эълон қилинган Файзулла Хўжаев ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган «Халқи учун яшади» мақоласи катта таассурот қолдирди. Ўттизинчи йилларда ноҳақ айбланган ва жазоланган асл фарзандлар номи эндиликда тикланаётганлиги қувонарлидир. Аммо мақолада айтилганидек, шу пайтгача Файзулла Хўжаев тўғрисида кинофильм суратга олинмаганлиги ажабланарлидир. Шоир Пўлканнинг у ҳақдаги достони қайтадан нашр этилса ҳам айни муддао бўларди.

Ўша даврда республикамизнинг йирик партия ва давлат арбоблари билан биргаликда фан, адабиёт ва санъат намояндалари, оддий кишилар ҳам айбсиз айбдор бўлганликларидан хабардормиз. Бу кишилар номи ҳам тикланиши керак. Сталин репрессияси қурбонлари ҳақида «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида мунтазам мақолалар ўқиб боришни истар эдик.

С. САЛИМОВ,
Тошкент шаҳри.

«МУШОҲАДА» САҲИФАСИ БЎЛСИН

Кейинги вақтда матбуотда ишчи-қишлоқ мухбирларига кам ўрин бериляпти. Улар эса хўжалик ва корхоналарда, шаҳар ва қишлоқлардаги муаммоларни яхши билишади. Халқни нима кўпроқ ташвишлантираётганидан хабардорлар. Шунинг учун редакция ишчи-қишлоқ мухбирлари билан мустаҳкам алоқада бўлса, газета янада сермазмун ва қизиқарли чиқарди.

Янги йилда газетада «Мушоҳада» саҳифасини бериб боришни таклиф этаман. Унда газетхонларнинг қимматли таклиф, фикр ва мулоҳазалари баён қилиб борилади. Умуман редакция турмушдаги муаммолар бўйича ҳали кам баҳс уюштирмоқда.

И. ҚОСИМОВ,
Калинин райони.

НАРХ-НАВОНИ КИМ СУРИШТИРАДИ?

Журналистларга ҳали қаламга олинмаган бир мавзуни таклиф қилмоқчиман. Мол бозоридаги нарх-наволар ҳақида нима учун ҳеч ким ёзмаяпти? Бу масала билан мухбир қизиқса, ҳозир молларнинг нархи осмонда эканлигининг гувоҳи бўларди.

Фикримча, бунга озиқ-овқат кооперативларининг кўпайиб кетганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрида 18 та кооператив ишлаб турибди. Уларнинг деярли ҳеч бири ёрдамчи хўжаликларга эга эмас. Уч—тўрт жаздан иборат кабобнинг бир сихи 60—70 тийинга чиққандан сўнг кооперативчилар бозордан молни қанча нархда бўлса ҳам сотиб олаверадиларда!

Айни вақтда чорва моллари парвариш қиладиган, умуман озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирадиган кооперативлар бармоқ билан санарли даражада, кам.

Умуман «Тошкент ҳақиқати» газетасида нарх-наволар тўғрисида доим мақолалар бериб бориш керак деб ҳисоблайман.

Журналистлар кўпинча ёз пайтларида Тошкент бозорларида сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан савдо-сотиқ қилиш, уларнинг нархи қимматлиги ҳақида рейдлар бериб борадилар. Лекин Олмалиқ, областнинг бошқа шаҳар ва районларидаги бозорлар иши билан тузукроқ қизиқмайдилар.

А. САИДОВ.

МУРАББИЙ ИБРАТИ

ЯҚИНДА «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти Раҳматулла Норхўжаевга ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган ҳиссаси учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган мураббий» деган юксак ном берилди.

У отасининг тавсияси билан бу корхонага ишга келганига мана, ўттиз йилдан ошяпти. Дастлаб аппаратчи бўлиб иш бошлади. Совет Армияси safidan қайтгач, яна ўз коллективига келди. Аввал машинист ёрдамчиси, вақт ўтиши билан смена етакчиси сифатида фаолият кўрсатди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Чирчиқ индустриал техникумида таҳсил олди. Назарий билимларини мустаҳкамлади.

— Ҳар бир устоз ҳам ўз вақтида кимгадир шогирд бўлган, — деди у биз билан суҳбатда. — Мен ҳам ўз ишчилик ҳаётимни шогирдликдан бошлаганман. Заводга келиб Иброҳим Эшмуҳамедовдек тажрибали мутахассис қўлига тушганимдан хурсандман. Биз илк бор учрашганимизда мен ҳали ўспирин эдим. У ўз отамдек муомала қилди. Мен учун қайғурди. Бирон топшириқни эплай олмай қолганимда жон куйдириб ёрдам берди...

Вақт ўтиб Р. Норхўжаевнинг ўзи ҳам мустақил ишлай бошлади. Тажриба орттиргач, эса унга ҳам ишга янги келган ёшларни шогирдликка юбора бошлашди. Ҳозирга қадар йигирмага яқин ёшлар унинг қўлида касб ўрганишди. Уларнинг ҳаммаси ишончли, ишчанлиги, ишга ҳалоллиги ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасини ўзлаштиришга интилиши ҳаммамизга ибрат бўлади. Ҳозирги кунда Ф. Мирзаев Тошкент лак-бўёқ заводида директор лавозимида ишлаяпти. Э. Рихсибоев эса 20-цех бошлиғи ўринбосари, Компрессор машинистлари С. И. Мариниченко ва Ж. Дюсебаевлар эса ўз устозлари изидан борib, ёшларга касб ўргатишмоқда.

— Раҳматулла Норхўжаев бизни ишимиздаги барча муҳим жараёнларни ёшларга тоқат билан пухта уқтиришга ўргатган,— дейди Эркин Рихсибоев.— Негаки бошқа касблардаги каби химикликни ҳам технологик жараёнларни тўлиқ ўзлаштирмай туриб эгаллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ёшлар битивда узоқ йиллар меҳнат қилган Р. Норхўжаев пенсия ёшига етиб ҳам уни тарк эта олмади. Ҳозир у ўз сменасида компрессор машинисти бўлиб ишлаяпти. Ўз касби сирларини ёшларга ўргатишда давом этмоқда.

Шу даврда юзага келган ишчи Норхўжаевлар сулоласи ҳам давом этяпти. Унинг укаси Убайдулла Норхўжаев корхонанинг карбомид цехида ишлаяптган ишдан бўш вақтларда ҳам шуғулланамиз,

Р. Норхўжаев етакчилигидаги сменада ўн саккиз киши меҳнат қиларди. Уларнинг ярмидан кўпи шогирдлари. Ўзаро ҳамкорликда одатланган коллектив. Ўғли Парпихўжа монтажчи-слесарлик касбини эгаллаб Чирчиқдаги 1-ремонт-қурилиш монтаж бошқармасида меҳнат қилиб келмоқда.

Раҳматулла Норхўжаевнинг жамоатчилик фаолияти ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. У ҳозиржавоблиги ва одамларни ўзига эргаштира олиши туфайли бир неча бор цех касаба союз ташкилоти аъзолигига сайланган. Корхона ўртоқлик судининг аъзолигига эса уни изчиллиги ва меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан муросасизлиги учун сайлашган.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу тажрибали, тадбиркор мураббий ишчси ҳозирда ҳам кўплаб ёшларга ишчилик сабоқларини ўргатиб келмоқда.

А. МЕНЧИКОВ.
Чирчиқ.

ТЕХНИКА ИЖОДИЁТИ МАРКАЗЛАРИДА

Ёшларнинг Тошкентдаги илмий-техника ижодиёти «Ритм» маркази катта социал буюртма олди. Марказ геофизика тадқиқотлари янги методикаларини ишлаб чиқади. Бу ишлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг илмий-техникавий тадқиқотлар комплекс программасига киради.

Бугун Ўзбекистонда қирққа яқин ёшлар илмий-техника ижодиёти маркази ишлаб турибди. Бир йилда тўққиз миллион сўмлик шартномавий ишлар амалга оширилади. Ҳар бир марказнинг ўз илмий изланиш йўли бор.

(ЎзТАГ мухбири).

Хатлар „ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

Умр йўлдошимни отиб ўлдиришди. Орадан 7 ой ўтишига қарамай, жиноятчилар қўлга тушмади.

Ҳ. АКБАРОВА,
Оржоникидзе район, Гулистон кўчаси, 33-уй.

ОБЛАСТЬ ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З. Алматовдан юқоридаги хат юзасидан олинган жавобда область ички ишлар бошқармаси ва район жиноят-қидирув бўлимининг ходимлари мазкур жиноятчиларни аниқлаш учун область прокуратураси билан ҳамкорликда барча тадбирларни кўраётганликлари айтилади.

* * *

А. Мирзараҳимов эндигина 37 ёшга кирди. У оғир хасталикдан кейин ишга ярамай қолди. Тегишли ташкилотлар унга инвалидлик группаси беришда сансалорлик қилиб келишяпти.

Ж. МИРЗАРАҲИМОВА,
Бўстонлиқ район, Товоқсой посёлкаси.

ЧИРЧИҚ шаҳар врачлик техник экспертизаси комиссияси А. Мирзараҳимовнинг ҳужжатларини кўриб чиқиб, меҳнатга яроқсизлиги учун унга III группа инвалидлик белгилаган. Чирчиқ шаҳар ВТЭКи 1956 йил август ойида эълон қилинган қўлланмага асосан унинг касаллигини инобатга олиб, юқоридаги группани белгилаган. Жавобда яна А. Мирзараҳимовни оғир меҳнат қилиши мумкин эмаслиги, енгилроқ ишларда ишлаши мумкин эканлиги кўрсатилади.

Чирчиқ шаҳар ВТЭКининг хулосаси тўғри эканлигини область врачлик техник экспертиза комиссияси ҳам кўриб чиқиб, тасдиқлади, дейилади область социал таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари В. Арутюняннинг редакцияга юборган жавобида.

* * *

Ангрен шаҳар нотариал конторасн 6 минг сўмга сотилган уйни 8 минг сўмга расмийлаштирди. Шу тўғрими?

С. БЕКМУРОТОВ.
Ангрен шаҳар, Комсомольская кўчаси.

ШАҲАР Совети ижроия комитети С. Бекмуротовнинг аризасини З. Бекмуротов, Э. Вильдт ва Р. Раимқуловлар иштирокида кўриб чиққан. Ҳақиқатан ҳам Пионерская кўчасидаги 42-уй 6 минг сўмга сотилган ва қурилиш банкига 242 сўм 50 тийин пошлина тўланган.

* * *

Томорқамиз пахтазорнинг ўртасида қолиб кетди. Колхоз правлениеси ва бухгалтерияси томорқадаги дарахтларга 611 сўм тўлади-ю, лекин турар жой биносига тўламади. Шу тўғрими?

М. ТУРСУНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз.

ХАТ БЎЙИЧА район партия комитети текшириш ўтказди. Унда М. Турсуновлар оиласига хўжаликнинг марказий участкасидан уйжой қуриш учун ер берилганлиги айтилади. Турсуновлар оиласи берилган томорқага уй қуриб, кўчиб чиқишган. Колхоз правлениеси уларнинг эски уйжойлари учун тегишли ҳақни тўлаган. Бундан ташқари уй эгасининг хоҳишига қараб колхоз правлениеси уларнинг уйларини бузишда ишчи кучи ва уни ташиб келтиришга транспорт воситалари билан ёрдам беришга қарор қилган.

* * *

Хўжаликнинг Мойтепа қишлоғида яшаймиз. Бизга келадиган йўлнинг айрим қисмини шахсий хўжалик эгалари банд қилиб, экинзорга айлантириб олишган. Бу қанақаси?

Р. ЖУРАНИЕВА,
Т. ИЎЛДОШЕВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз.

ХАТДА кўрсатилган фактлар текширилганда унда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланди, дейилади район Совети ижроия комитетининг раиси М. И. Икромовнинг редакцияга юборган жавоб хатида. Ҳамза номли колхоз правлениеси мавжуд кўчадаги нуқсонларни бартараф этиш, кўчага тош-шағал ётқизиш ишларини шу йилнинг биринчи квартал планига киритган.

* * *

Мафтуҳа Яҳёева мендан сўрамай Паркент районидаги ота-онаси уйига кетиб қолди. Умр йўлдошимни уйга қайтаришда ёрдам бершларингизни сўрайман.

С. ҲАСАНОВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз.

ХАТДАГИ фактларни район партия комитети томонидан тузилган комиссия текширди. Аниқланишича, Пискент район йўл эксплуатацияси участкасининг автогрейдерчиси С. Ҳасанов Мафтуҳага қонуний никоҳдан ўтмасдан уйланган. Уларнинг фарзандлари вафот этгач, хотини ота-онасиникига кетиб қолган. Текшириш шуни кўрсатдики, хат автори С. Ҳасанов илгари ҳам икки аёл билан қонунсиз яшаб, ажрашиб кетган. Бўка район партия комитети Пискент район йўллар эксплуатацияси участкасининг маъмуриятига С. Ҳасановнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини кўриб чиқиш масаласини тавсия этди.

● Қурбон Оролов Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда йигирма йилдан буён шофер бўлиб ишлайди. Касбини ардоқлаб эл ўртасида обрў-эътибор топди. Ўтган давр мобайнида у 800 минг километрдан ортиқ йўлни авариясиз босиб ўтди.

✦ ✦ ✦

● Қурбоной Ўтабекова (чапдан ўнгга) ва Шоҳида Алимовалар Калинин районидаги «Хасково» совхозининг илғор сут соғувчилари. Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган донгдорлар бу йил ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Қиш мавсумида ҳам сигирлардан ёздагидек мўл-кўл сут соғиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

П. Эргашев ва М. Нуриддинов фотолари.

РИЁЗИЁТ АЛЛОМАСИ

С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

М. В. ЛОМОНОСОВ номидаги Москва Давлат университети Бош корпусининг 16-қаватида «Лузин» дарахти деб аталувчи панно кўпчилик эътиборини ўзига тортади. Унинг йўғон танасидан йирик, бақувват шохлар таралган. Шундай серфайз дарахт танасига «Николай Николаевич Лузин» деб ёзиб қўйилган. Дарахтнинг йирик, бақувват шохларида Москва математиклар мактабининг асосчиси Лузиннинг академик, машҳур профессор бўлиб етишган ўқувчилари фамилияларини ҳам ўқиймиз. Шулар ичида асримизнинг буюк олимларидан, «биринчи номерли математик» А. Н. Колмогоров номи ҳам бор. Колмогоровдан кетган шохларга эса унинг Иттифоқимиз ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги шогирдлари —йирик олимларнинг исм-фамилиялари битилган. Ана шу шохлардан бирида «С. Ҳ. Сирожиддинов» деган ёзувни ўқиш мумкин.

... Машҳур олимлар В. И. Романовский, Т. А. Саримсоқовлар дорилфунун талабаси Саъдининг математик қобилиятига парвоз, иқтидори қирраларига жило бердилар,

— Ўша йилларда факультетнинг илмий кутубхонасидаги адабиётлардан фақат ўқитувчи ва илмий ходимларгина фойдаланишар эди, — деб эслайди ҳозирда «Романовский хонаси» деб аталувчи мазкур хона ходими, машҳур олим билан кўп йиллар мобайнида бирга ишлаган А. М. Попова. — Кечагидек ёдимда, бир куни Всеволод Иванович математика хонасига ёшгина йигитчани бошлаб келди-да: «Бу қобилиятли шогирдимиз иккинчи курс талабаси, унга керакли китоб, журналларни топишга ёрдам бериб турсангиз, — деб илтимос қилди...

Илмга ташна бўлган бу йигитча эндиликда илмий ишлари билан Иттифоқимиздагина эмас, балки бутун дунёда танилган, ўз илмий мактабига эга, академик бўлиб етишган Саъди Ҳасанович Сирожиддинов эди. Унинг устозлар борасидаги омади баланд эди. У Саримсоқов, Романовский, Колмогоровларнинг меҳр оғушида камолга етди, 32 ёшидаёқ фан доктори бўлди. Ўша йили Колмогоров «Сўнгги ўн йил мобайнида эҳтимоллар назариясига оид тадқиқотлар орасида С. Сирожиддиновнинг ишлари, айниқса, таҳсинга сазовордир...», деб ёзган эди...

Саъди Ҳасанович дастлаб математик анализ соҳасида тадқиқот олиб борди. У кўп ўзгарувчили классик кўпҳадларнинг муҳим ҳоссалари, жумладан, улар орасида турли муносабатлар, уларнинг тўлалиги, функцияларни бу кўпҳадлар бўйича қаторга ёйиш масалаларини ўрганди. С. Ҳ. Сирожиддиновнинг фанда катта аҳамият касб этган асосий тадқиқоти, Тошкент математика мактабининг довруғини дунёга кенг ёйган ишлари эҳтимоллар назариясининг лимит теоремалари, хусусан, Марков занжирларининг лимит теоремаларига бағишланган. Марков занжири схемаси бўйича боғланган тасодифий миқдорлар ва векторлар йиғиндиси учун лимит теоремаларда аниқ баҳоларни, асимптотик ёйилмаларни математика тарихида биринчи бўлиб Саъди Ҳасанович яратди, бу хилдаги натижаларни олиш методини кашф этди. Кейинчалик мазкур метод эҳтимоллар назарияси билан шуғулланувчи бошқа илмий мактабларга ҳам ёйилди. У дунё олимлари томонидан эътироф этилди. Домланинг Бернулли номидаги халқаро математик статистика ва эҳтимоллар назарияси жамиятининг ҳақиқий аъзолигига сайланиши унинг илмий фаолиятининг жаҳон миқёсида яна бир бор тан олинганлигидан далолатдир.

Эллигинчи йил ўрталари эди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Москва Давлат университети профессори С. Сирожиддинов имзоси билан чоп этилган мақолани ўқиб ўйлатланганим ёдимда. Ҳамюртимизнинг Ватанимиз пойтахтидаги дорилфунунда профессор бўлиб ишлаши биз учун ниҳоятда фахрли ва қувончли эди, албатта. Келажакда риёзиётчи бўлиш орзуси менда ана шундай ҳавас туфайли туғилган бўлса ажаб эмас...

Тошкентга қайтгач, Саъди Ҳасанович математиканинг янги соҳаларини ривожлантирди: оммавий хизмат кўрсатишнинг математик назарияси, тармоқланувчи ва стационар жараёнлар... Ёшларни шу йўналишларга жалб қилди. Домла бирор манфаат излаб эмас, қобилиятларга қараб шогирдлар танларди. Унинг шогирдлари географияси ниҳоятда кенг: Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, Вьетнам, Мўғулистон, араб мамлакатларида ҳам уларни учратиш мумкин. Турли миллат вакиллари фанда ака-ука, опа-сингил, интернационал оила. Устод уларни ўз фарзандларидек, балки ортиқроқ ҳам кўрарди. Қийналганларга моддий ёрдамини ҳам аямаслик, одамийлик бобида кўпчиликка ўрнак бўлгудек... Бой кутубхонаси изланувчан, илмга ташна ёшлар хизматида эди.

Тошкент дорилфунунининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси ташкил топганига ярим аср бўлди. Шу давр ичида кафедрага уч киши мудир бўлган: Романовский, Саримсоқов, Сирожиддинов. Учта таниқли олим, учта академик, Ўзбекистон математикасининг отахонлари... Кафедра дарс жадвалининг сешанба куни иккинчи соати, мана эллик йилдирки, махсус семинар билан банд. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика бўйича шаҳар семинари. Аввалларида бу семинарда ўн чоғлик одам бўлса, ҳозир аудитория тўлиб-тошиб кетади. Бу семинар, унинг юқори савияси Иттифоқимиздаги ҳамма илмий марказларда машҳур. Унда маъруза ўқигани келган мутахассислар Тошкентга келишларини сешанба кунига — семинарнинг иш кунига мослаб келишади. Маърузалари учун олдиндан навбат олишади... Семинар минглаб ёшларни илм-фанга йўллади, ўнлаб диссертацияларга «оқ йўл» берди, баъзилари ҳайрихоҳлик билан малакали маслаҳатлар олдилар. Семинар — ўзига хос ижодий лаборатория, бу ерда янгиликнинг «туғилиш» жараёни, уни амалиётда ишлатиш муаммолари, янги муаммоларнинг қаердан ва қандай қилиб пайдо бўлиши кузатилади... Бу ерда ёш олим ҳам, профессор ёки аспирант ҳам, академик ҳам тенг ҳуқуқли. Аспирант академик мулоҳазаларини тушунмаса истаганча савол бериши мумкин, устоз доимо шогирдга эмас, баъзи ҳолларда шогирд ҳам устозга ўргатиши оддий ҳол, деб ҳисобланади. Семинарда ҳақиқий ижодий, илмий ва демократик муҳит ҳукмрон... Мана шу семинарга ва кафедрага устод Сирожиддинов 30 йил раҳбарлик қилди...

Бу семинарни Иттифоқимиздан ташқари ҳам яхши билишади. Жаҳоннинг ўнлаб илмий марказларидан — бу ерга келиб маърузалар айтишган. Улар Саъди Ҳасановичнинг ҳамкасблари эдилар. У кишининг ўзлари ҳам ўттизга яқин ҳорижий юртларга таклиф қилинган, у ерларда лекциялар ўқиган. Домла эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математика тарихи бўйича жаҳонга таниқли олим эди, илмий жамоатчилик орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Буларнинг ҳаммаси тинимсиз меҳнат, чуқур илмий изланишлар туфайли эди.

«Ленинград давлат университетида аспирант эдим, — деб ҳикоя қилади эндиликда Литва Фанлар академияси академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати В. А. Статулявичус. — Илмий раҳбарим —академик Ю. В. Линник: «Сиз ўз ишингизни ёш профессор Сирожиддиновнинг рисолаларини, уларда баён этилган методларни ўрганишдан бошланг», — деди. — Бу рисолалардан мен кейинги фаолиятим учун ҳам етакчи ғоялар топдим. Мен Саъди Ҳасановични ҳам Ю. В. Линник билан бир қаторда ўзимнинг устозим, деб биламан».

Олим қаламига мансуб 100 дан ортиқ мақола, 4 та монография, 2 та дарслик фанимизнинг қимматли мулкига айланиб қолди. Устоднинг илмий ишлари, уларда таклиф этилган ғоя ва методлар Москва, Ленинград, Киев, Вильнюс, Новосибирск, ҳатто хорижий мамлакатлар олимлари ва кўплаб шогирдлари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Ўнга яқин фан доктори, 50 дан ортиқ фан кандидати тайёрланган бўлса, улар ҳал қилган ҳар бир масала асосида устод айтган бирор ғоя, мулоҳаза ётади.

Устоз шогирдлари орасида иккитаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси аъзоси, олтитаси Беруний мукофоти лауреати, тўрттаси Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатидир. Дарвоқе, шогирдлари ҳақида гап борар экан, бир воқеа ёдимга тушади.

... 1957 йилнинг эрта баҳори эди ўшанда. Майин сабо она заминни, дов-дарахтларни, жамики борлиқни қиш уйқусидан уйғотяпти... Куч-қувватга тўла, билими юз-кўзидан, ҳаттиҳаракатидан ёғилиб, уфуриб турган домла мўъжазгина ўз хонасида I ва II курснинг ўта иқтидорли икки талабаси билан риёзиёт муаммолари устида бош қотиришяпти. Оғироёқ Турсуной опа бир-икки йўталиб қўйиб, домла эътиборини тортмоқчи бўлди. Қаёқда дейсиз, устоз ва шогирдлар илм уммонига ғарқ. Турсуной опа қийналиб кетди, чоғи. «Домла, мени тезда туғуруқхонага олиб боринг», — дейди ийманибгина.

— Ҳозир, ҳозир, бироз сабр қилинглар! Масаланинг энг қизиқ ва чиройли жойи кўринди... Ҳозир олиб бораман.

Ижоднинг, қуйилиб келаётган илҳомнинг энг юксак парвозлари шундай бўлса керак...

Ҳозир ана ўша талабаларнинг иккаласи ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзолари, Беруний мукофоти лауреатлари, ўз илмий мактабларига эга йирик олимлардир. Уларнинг илмий рисолаларини жаҳон биларди. Битталарининг монографияси чет элда, нуфузли нашриётлар томонидан инглиз тилида чоп этилди...

Домланинг илм-фанга иштиёқи билан эътибор топган шогирдлари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзолари Турсун Азларов, Галина Павловна Матвеевская, профессорлар Шокиржон Фармонов, Муҳаммаджон Ғафуров, Муфатхон Маматов, Александр Викторович Нагаев, фан доктори Татьяна Львовна Малевичларнинг ўзлари эндиликда йирик устозлар ҳисобланишади. Саъди Ҳасанович академиклар орасида эвара, чевара шогирдлар кўрган, уларга ҳам меҳнати сингган заҳматкаш олим эди. Риёзиёт боғига илк қадам қўйган ёш талабалар қалбида домла ижод қилиш иштиёқини, янгилик яратиш истагини ёқа билар эди... Афсус, Турсуной опага фарзандлари камолоти ва роҳатини, домланинг кўпгина шогирдлари қувончини кўриш насиб бўлмади. Оғир касаллик бу оқила ва меҳрибон, ширинсўз ва оилага фидоий аёлни, классик адабиётимизнинг нозиктаъб мухлисини орамиздан жуда эрта олиб кетди...

Саъди Ҳасанович илм-фан аҳли орасида машҳур олим сифатида ҳурмат қозонган бўлса, оилада меҳрибон ота сифатида юксак қадр топди. У уч фарзандни камолга етказди. Фарзандларига Турсуной опа қанчалик қалб кўрини бағишлаган бўлса, она ўрнига она бўлиб, келган Муносибхон она ҳам болалардан меҳрини, саҳоватини аямади. Раъно — биология фанлари кандидати, Олим, Юсуфлар юристлар сифатида ҳаётдан муносиб ўринларини эгалладилар.

Бағри кенг, дилкаш ва зукко олим, давраларни мароқли суҳбати билан ўзига ром қиларди.

«Болгарияда бўладиган Халқаро конференцияга биз Москвадан поездда Саъди Ҳасанович билан бирга кетдик, — деб ёзган эди менга москвалик дўстим профессор А. С. Холево. — Унинг ажойиб ва ёқимли суҳбатларидан баҳраманд бўлиш билан бирга чуқур билимдонлигидан ҳайратда қолдик...

Очиққўнгил домланинг уйидан меҳмон аримасди. У немис билан немисча, инглиз билан инглизча сўзлашарди. Француз тилини сувдек ичиб юборган эди... Дўстлари академик И. Н. Векуа, профессорлар А. В. Бицадзе, Г. М. Маниялар билан соатлаб грузин тилида гаплаша олар, тожик тили эса ўз она тилидек гап эди. Домла классик музика, шеъриятимизнинг диди баланд, нозиктаъб мухлиси бўлган. Шогирдларига Лутфий, Навоий ғазалларини ўқиб, уларни шарҳлаб беришни яхши кўрарди. Тарихимизни анчайин мукаммал билган Бобурийлар сулоласи-ю, Муқанна қўзғолони, Беҳзоднинг нафис санъат мактаби ҳақида мароқ билан гапирарди...

1962 йилда Тошкентда математикадан Республика мактаб ўқувчиларининг 1 олимпиадаси бўлиб ўтди. Кейинчалик Олимпиадалар ўтказиш анъанага айланди. С. Сирожиддинов деярли ҳамма олимпиадада ташкилий комитет раиси ёки жюри раиси сифатида қатнашган. Республика мактаб ўқувчиларининг Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган математика олимпиадасида Хоразм область Шовот районидаги математика муаллими Рўзимбой Оллабергановнинг шу олимпиадада қатнашган уч ўқувчиси ҳам ютуқли ўринларни эгаллади. Домла бу меҳнатсевар, ўз билими ва вақтини шогирдларидан аямайдиган муаллимга илиқ сўзлар айтди.

Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига атаб Урганчда ўтказилган олимпиадага ҳам Саъди Ҳасанович бошчилик қилди. Шовот районига, ўз шогирди мактабига бориб, унинг ишлари билан танишди, муаллим ва ўқувчилар билан учрашувлар ўтказди. Рўзимбой домладан ўз кўллари билан мактаб боғига кўчат ўтказиб беришни, келгусида «Риёзиётчилар боғи» ташкил этиб, «Ёш математикларнинг ёзги мактаби»ни ўтказиб туришини айтиб, олимни лекциялар ўқишга таклиф қилди. Домла бу гапларни тўлқинланиб эшитди, мактаб боғига кўчатлар ўтқазди. Ҳозир бу кўчатлар ширин-шакар мевалар бераяпти. «Риёзиётчилар боғи» гуркираб яшнамоқда. Афсуски, боғ ҳосилидан тотиш, у ерда лекциялар ўқиш С. Сирожиддиновга насиб бўлмади...

Ёш физик-математикларнинг республика мактаб-интернатининг очилиши, оёққа туриши ва ривожланиши ҳам Саъди Ҳасанович номи билан боғлиқ. Бу ерда тез-тез бўлиб турар, ютуқлардан қувонар, камчиликларни бартараф қилишга ёрдамлашарди. Интернатнинг биринчи қалдирғочлари орасида ҳозир ўндан ортиқ фан кандидатлари бор. Булар домла бошлаб берган катта ишнинг илк ҳосилидир, холос.

Устод мактаб ўқувчиларида математикамизнинг келажагини кўра билди. Домланинг муаллимларга ихлоси баланд, уларни ниҳоятда ҳурмат қилар, мактабларда тез-тез бўлар эди...

Саъди Ҳасанович математика тарихига жуда қизиқарди, уни яхши биларди. Бир неча қобилиятли ёшларни шу йўналишда ишлашга чорлади. Домла математика тарихи бўйича ўзига хос илмий мактаб яратди. Устод Ўрта Осиё мутафаккирлари илмий меросини ўрганиш, уни тарғиб қилиш борасидаги тадқиқотларга бош бўлиб, кўп меҳнат қилди. Айниқса, Абу Райҳон Беруниийнинг ўрта аср математикаси ва астрономиясининг ажойиб дурдонаси бўлмиш «Қонуни Масъудий» асарини ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрлаш ишига масъул бўлиб, бу соҳага салмоқли ҳисса қўшди. Ўрта Осиёда математика фанининг тарихи ва ривожланиши, унинг ўқитилишини янада яхшилашга оид қатор рисолалар ёздики, улар математика фанига қизиқишнинг ортишига, бу соҳада савиянинг кўтарилишига олиб келди...

Саъди Ҳасанович масъулиятли лавозимларда, жумладан, ТошДУ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти, математика институти директори... сифатида самарали фаолият кўрсатди. У сидқидилдан меҳнат қилди, фанимизнинг толмас ва моҳир ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди... Баъзи математикларга бевосита илмий раҳбарлик қилмасада, уларни Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск, Тбилиси каби илмий марказларга юборди, ўша ерлик етакчи мутахассисларга илмга ташна ёшларни йўллади, уларга ўз таъсирини ўтказди. Бу ишлар яхши самара берди, бизда ҳам математиканинг янги соҳалари пайдо бўлди: дифференциал тенгламалар, ҳисоблаш математикаси...

Фан ютуқларининг амалиётга тадбиқлари домланинг илмий фаолиятида катта ўрин тутган. Маҳсулотларни статистик қабул назоратига оид тавсияларидан мамлакатимизнинг турли корхоналари фойдаланиб, катта иқтисодий самара олишган. Ўз даврида Тошкент эҳтимоллар назарияси мактаби ГОСТ кўрсатмалари ва тавсияларини тузувчи ва математик жиҳатдан уларни асословчи марказлардан бири ҳисобланарди, бунда ҳам устознинг хизматлари бениҳоя каттадир. Домланинг маълум бир ишлар цикли полимерлар ҳосил бўлишининг математик назариясига бағишланган ва полимерлар химияси мутахассисларига яхши танишдир. Чигит экишда уруғдан рационал фойдаланишга оид ишлари математиканинг пахтачилик экономикасига тадбиқининг ажойиб намунасидир. Саъди Ҳасанович математиканинг геологияга татбиқлари билан ҳам шуғулланди. Риёзиётнинг амалиётга татбиқлари кўплаб ҳисоб-китоб ишларини тақозо этади. Кейинги йилларда доимо ёшларга хос ғайратшижоат билан электрон-ҳисоблаш машиналарни, шахсий компьютерларни ўрганиб, уларни турли ҳисоблаш ишларига, ўқув жараёнига қўлланишлари билан кенг шуғулланди...

Тошкент эҳтимоллар назарияси ва математик статистика илмий мактаби дунёга таниқли. Бу ерда шу соҳа бўйича бир неча Халқаро, Бутуниттифоқ анжуманлари ўтказилган. Айниқса, Бернулли жамиятининг 1986 йили Тошкентда бўлиб ўтган Умумжаҳон I конгресси илм-фанда катта воқеа бўлди. Конгресс юқори илмий, ташкилий савияда ўтди. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан йирик мутахассислар келишганди ўшанда. Бу анжуманларнинг ҳаммасида домла бош-қош эдилар... У киши нафақат илм-фанда, маориф, олий таълим бобида ҳам чуқур из қолдирди, етакчи ғоялар айтди. Тошкент эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мактаби жипслигини сақлашни, унинг алоқаларини янада ривожлантириш, мактабимизни янги, чуқур, илмий натижалар билан бойитишни, фаннинг амалиётга кенг татбиқлари борасида ишлашни васият қилиб қолдирди. Мактаблардан қобилиятли ўқувчиларни топиш, уларни тарбиялаш, фанга йўналтириш, фанимизга, халқ таълими ишига доимо садоқатли бўлишни васият қилди... Устод қалбидан тўлиб-тошиб чиққан бу эзгуликни амалга ошириш унга қўйилган энг юксак ёдгорлик бўлади.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

ИНСОН, ИНСОНИЙЛИК ВА БУРЧ

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КАСАБА СОЮЗ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БУДАПЕШТ, (ТАСС). 1989 йил 20—22 январь кунлари Будапештда БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, СССР, ЧССР ва ЮСФР касаба союз марказлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Совет касаба союзлари делегациясига ВЦСПС Раиси С. А. Шалаев бошчилик қилди.

Учрашув қатнашчилари ўз мамлакатларида рўй бераётган ижтимоий ва иқтисодий янгиланиш жараёнлари ҳақида, социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичида касаба союзларининг вазифалари тўғрисида гапирдилар. Кенгашда Европа касаба союзларининг ҳамкорлиги истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

ВСИП бош секретари К. Грос социалистик мамлакатлар касаба союз марказларининг раҳбарлари билан учрашиб, йиғилганларга мамлакатдаги ички сиёсий вазият ҳамда Венгрия жамияти олдида турган вазифалар ҳақида ахборот берди.

ҚЎЛГА ТУШИШДИ

АНҚАРА. Жанубий Хитой вилоятида наркотик моддаларнинг катта туркуми қўлга туширилди.

Ўтказилган операция натижасида, деб хабар беради «Миллиёт» газетаси, полиция чет элга жўнаб кетишга тайёр турган автопоездни ушлаб қолишга муваффақ бўлди. Ундан бир минг икки юз килограмм наша топилди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, шу миқдордаги наркотик модданинг бозор нархи тахминан 20 миллион Туркия лираси ёки 11 миллионга яқин доллар туради. Олти нафар контрабандачи қамоққа олинди.

Мамлакат хавфсизлиги бошқармаси бош директорининг айтишича, полиция 1988 йилда беш ярим тоннага яқин героин ва таблеткалардан иборат уч миллион наркотик модда ўралган бойламни қўлга туширган.

ТЕМИР ЙЎЛДА ФОЖИА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг жанубий Тамилнаду штатида темир йўл состави билан автобус тўқнашиши натижасида олтмиш киши жароҳатланган. ЮНИ агентлигининг Мадурайдан хабар беришича, автобус Мадакулам шаҳри районида темир йўл кесишган жойдан ўтаётганида мотори кутилмаганда ўчиб қолган пайтда ана шу нохуш ҳодиса рўй берган. Авария чоғида жабрланган автобус йўловчилари касалхоналарга жойлаштирилган.

АФҒОНИСТОН БИЛАН БИРДАМЛИК МИТИНГИ

ДЕҲЛИ, 24 январь. ТАСС мухбири Сергей Латишев хабар беради: Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган оммавий митингда Ҳиндистоннинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари афғон халқининг тинчлик ва миллий мустақиллик учун, Афғонистонда гражданлар уруши оловини ёқишга уринаётган ташқи кучларга қарши кураши билан бирдамлик изҳор қилдилар. Митинг миллий гражданлик анжумани ташаббуси билан уюштирилди.

Афғонистон бизнинг қўшнимиз бўлиб, у билан азалий тарихий ва маданий алоқаларга эгамиз, деди Ҳиндистон Ташқи ишлар давлат министри К. К. Тивари. Биз бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва вазият нормаллаштирилишидан астойдил манфаатдормиз ҳамда афғон халқининг ўзи ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз ўз тақдирини белгилаши керак, деган фикрга қўшиламиз.

ЖЕНЕВА БИТИМЛАРИНИ БУЗИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИСЛОМОБОД. Покистон мамлакатда ҳокимият тепасига янги ҳукумат келиши билан Афғонистонга нисбатан ўз сиёсатини ўзгартирмади. У Зиёулҳақ ҳарбий режими вақтида бўлганидек Женева битимларини бузишда давом этмоқда. Пешоварда журналистлар ҳузурида сўзга чиққан парламент аъзоси, халқ миллий партиясининг раиси Абдул Вали хон шу ҳақда гапирди. «Исломобод афғон оппозициячи гуруҳларига қурол етказиб беришни давом эттирмоқда», — деб таъкидлади, халқ миллий партиясининг раҳбари.

Абдул Вали хон Афғонистон муаммосини сиёсий бартараф этиш ишида барча манфаатдор томонларнинг (бунга АХДП ҳам киради) иштироки зарурдир, деб уқтирди. Унинг сўзларига қараганда, Афғонистон Халқ демократик партияси афғон жамиятининг анча яхши уюшган сиёсий кучи ҳисобланади.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ДАККА. Бугун Бангладешда саккиз соатлик умуммиллий забастовка эълон қилинди. У бир қанча оппозициячи партияларнинг даъватига биноан ҳукуматга қарши ҳаракат қатнашчиларига нисбатан маъмурлар қўллаган репрессияларга норозилик белгиси остида ўтказилмоқда. Бундан роса бир йил муқаддам полиция Читтагон шаҳрида ўтказилган намойиш қатнашчиларини ўққа тутган ва ўшанда 20 дан ортиқ киши ҳалок бўлган эди.

Миллатчи партия кеча кечқурун Дакка шаҳрида машъала намойиши ўтказди. Унинг қатнашчилари шаҳар марказий кўчаларида забастовка даъватини қўллаб-қувватладилар. Бугун бутун пойтахтни забастовка қамраб олди. Корхоналар ва муассасаларнинг кўпчилиги ишламаяпти, бозорлар, магазинлар, машиналарга бензин берадиган станциялар ёпилиб қолган. Жамоат транспорти барча турларининг ҳаракати тўхтатилган. Бўм-бўш кўчаларни иш ташлаганларнинг қўриқчилари назорат қилмоқдалар.

Оппозициячи партиялар бетараф ҳукумат кузатувида янги парламент сайлови ўтказилишини ва президент Ҳ. М. Эршоднинг ҳозирги ҳукумати истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС, 24 январь).

ЯПОНИЯ ҒОЯТ ТЕЗЮРАР КЕМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА КИРИШМОҚДА

ТОКИО, 25 январь. (ТАСС). Японияннинг янги ғоят тезюрар кемаси Тинч океанини сузиб ўтиши учун уч кундан камроқ вақт керак бўлади. Япония мутахассислари бу йил ишлаб чиқишга киришадиган ғоят замонавий лайнер тезлигини соатига 100 километргача оширади. Бу ҳозирги пайтда Тинч океанини ўрта ҳисобда ўн кун ичида сузиб ўтадиган оддий граждан кемалари тезлигидан қарийб икки ярим баравар ортиқдир.

Оммавий-мудофаа ишлари ойлиги

Республикада Совет Қуролли Кучларининг 71 йиллигига бағишланган оммавий-мудофаа ишлари ойлиги бошланди. Оммавий мудофаа ишлари ойлигининг 23 январь куни Тошкентда очилишида Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси генерал-лейтенант А. М. Хожибоев ва Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи снёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор Ю. И. Панкратов сўзга чиқдилар.

Ойлик давомида меҳнат коллективлари, касаба союз, комсомол, ДОСААФ ташкилотлари ва ўқув юртларида Қуролли Кучлар ветераналари, интернационалчи-жангчилар билан учрашувлар ўтказилади, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг тарих музейига экскурсия уюштирилади, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларга борилади, кўпдан-кўп спорт мусобақалари ўтказилади. Оммавий-мудофаа ишлари ойлиги спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича республика мусобақалари билан тугайди. (ЎзТАГ).

СУСТКАШЛИКНИНГ БОИСИ НИМАДА?

КПСС Марказий Комитети ҳамда Совет ҳукумати ҳозирги босқичда граждан мудофааси олдига ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ошкоралик даврида биз Арзамас ва Свердловскда юз берган мудҳиш фожиалар гувоҳи бўлдик. Ҳозирги давр ҳамда юз бераётган ҳодисалар граждан мудофааси ишини тубдан қайта қуришни талаб қилмоқда.

Хўш, партия ва ҳукумат кўрсатмаларини бизнинг областимиз граждан мудофааси жамиятларида қай даражада амалга оширилмоқда. Ана шуларни билиш мақсадида граждан мудофааси штабининг комплекс группаси область ижроия комитети вакиллари иштирокида Янгийўл шаҳрида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Текширувларда КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Совети қарорининг бажарилиши, граждан мудофааси ишини яна-да такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича раҳбарлар составининг ташкилотчилик метод ва услублари ўта паст даражада эканлиги кўзга яққол ташланди. Шаҳардаги айрим халқ хўжалиги объектларигина граждан мудофааси ишига етарли эътибор бераётганлиги маълум бўлди. Булар қаторига Янгийўл вино заводи ҳамда автобус-таксомотор паркини киритиш мумкин.

Маълумки, ҳар бир иш дастлаб планлаштиришдан бошланади. Аммо шаҳардаги халқ хўжалиги объектларида граждан мудофааси бўйича мукаммал планларни учратиш жуда қийин. Баъзи бир объектларда ушбу планлар мавжуд бўлса ҳам улар номигагина тузилган бўлиб, ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Граждан мудофааси объектлари раҳбарларининг ҳозирги осуда ҳаётимиз даврида ўз вазифаларини бажаришга тайёр эмасликларига эса ажабланмаса ҳам бўлади. Биргина мисол. Ёғ-мой комбинати директори А. Худоёров (у граждан мудофааси бошлиғи) ҳамда граждан мудофааси инженери А. Паниналар граждан мудофааси ҳарбий тайёргарлиги бўйича бундан ўн йиллар илгари чиқарилган ҳужжатларга асосланиб бошчилик қилаётган эканлар. Ҳа, турғунлик исканжаси ҳақиқатан ҳам уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўйганга ўхшайди. Ахир шаҳарда комбинат иш фаолияти билан доимий тарзда танишиб бориши лозим бўлган раҳбарлар бор-ку. Нима сабабдан улар комбинатга ёрдам қўлини чўзиб, ушбу соҳада кўмаклашмаяптилар?

Шаҳарда граждан мудофааси вазифаларини бажариш бўйича хотиржамлик ва масъулиятсизлик руҳи ҳукм сурмоқда. Айрим раҳбарлар ишнинг бу участкасидан ўзларини четга олиб қочишмоқда. Улар граждан мудофасининг ҳолати, вазифаларнинг бажарилишини суриштиришмайди. Назорат ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ана шу сабабли шаҳарда сусткашлик вазияти вужудга келди.

Граждан мудофаасининг шаҳардаги раҳбарлари ҳамда ходимлари ҳимоя иншоотлари қурилишидаги фондларни юксалтиришга ҳам етарли эътибор беришмаяпти. Хусусан колбаса заводи, Ў. Юсупов номли ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида ана шундай иншоотлар умуман йўқ. Ваҳоланки, ушбу объектларда ҳимоя иншоотлари учун фойдаланиш мумкин бўлган кўпгина жойлар мавжуд. Аммо граждан мудофааси раҳбарлари уларни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашмаяпти.

Граждан мудофааси объекти ва хизматчиларининг масъул ходимларини алоқа воситалари билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Граждан мудофааси раҳбарларини йиғиш учун 3 соат вақт кетганини қандай баҳолаш мумкин? Хуллас, граждан мудофааси ишини тубдан қайта қуриш лозимлиги шаҳарда ёмонлигича қолмоқда. Шаҳар комсомол ҳамда касаба союз ташкилотлари ҳам кузатувчи ролини ўйнамоқдалар. Ўйлаймизки, шаҳар партия ташкилоти ҳамда граждан мудофааси раҳбарлари бу соҳага эътиборни кучайтириб, зарур чораларни кўрадилар.

К. ИСАКОВ,
запасдаги полковник.

«ПЕКИН» РЕСТОРАНИГА МАРҲАМАТ

● **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Уста Ширин кўчасида «Зарафшон» ресторанига қарашли «Пекин» кооператив ресторани фаолият кўрсата бошлади. 28 кишидан иборат мазкур кооперативда Хитой Халқ Республикаси миллий таомлари тайёрланмоқда. Айни кунларда Пекиндан кооперативда ишлашга хитойлик 6 моҳир пазанда келмоқда. Ресторан ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етказиб бериш бўйича К. Маркс номли колхоз билан шартнома тузганлар.**

Суратларда: «Пекин» кооператив ресторани умумий кўринниши (пастда); пазандалар А. Ли, О. Зуннунов, Қ. Ёқуббековлар.

М. Нуриддинов фотолари.

ТЕАТР ВА АКТЕР

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

ЯҚИНДА Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри коллективи ёзувчи Шукур Холмирзаев асари асосида саҳналаштирган «Зиёфат» драмасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Мазкур спектакль премьерасидан сўнг жамоатчи мухбиримиз бу асардаги Нурмат ролини ўйнаган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Эркин ака, «Ёш гвардия» театри муҳитида ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?

— Жуда яхши. Сабаби, бу ижодий коллективни ўзим учун янги жой деб айта олмайман. Чунки актёрлик фаолиятим 1966 йилда шу театрдан бошланганди. Ҳозир бу-ерда бизга Ўзбекистон ССР халқ артисти Тошхўжа Хўжаевнинг шогирди — театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев кўнгилдагидай ижод қилиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Коллектив эришаётган барча ютуқлар, энг аввало, унинг ташаббускорлиги, дунёқарашининг кенглиги ва актёрларга нисбатан талабчанлиги натижасидир.

— Ўз ижодингиз давомида яратган кўзга кўринган ролларингиз ҳақида билишни истардик...

— Қатор спектакларни санашим мумкин. Хусусан, Н. Эрдманнинг «Алвидо, ҳаёт!»ида Колобушкин, «Майсаранинг иши»да Мулла Рўзиаълам, А. Мухторнинг «Самандар»ида Қобилжон, Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирганда» асарида Мухлис афанди, Шиллернинг «Қароқчилар»ида Карл Моор, Дюманнинг «Ажал минораси»да Филипп-Готье, Гоголнинг «Ўйланиш» асарида Жевакин...

Бундоқ ўйлаб қарасам, 80 дан ортиқ ролларни ижро этибман. Кўпинча санъат мухлислари «Энг севимли ролингиз қайси?» деб савол беришади. Менимча, ҳар бир актёр ўзи ўйнаган ҳаҳрамонларни бирдай севиши керак. Шундагина улар томошабинларнинг эътиборига тушади.

Биласизми, халқимизга яхши саҳна асарлари, уларни ҳаётнинг қадр-қимматига етишга ундайдиган, яратувчилик меҳнатига руҳлантириадиган қаҳрамонлар керак. Бу ҳақда марҳум устозим, бетакрор санъаткор Шукур Бурхонов биз, ёш актёрларни ўзининг салмоқли фикр-мулоҳазалари ва ғоят ибратли ўгитлари билан ижодий изланишга даъват этардилар. «Ёлғон яшайсан, саҳнада ёлғон яшама, «мотор»ингни ишлат, деб чап кўкракларига урардилар, — халқ театрга сен билан дардлашгани келади. Ризқ-рўзидан, бола-чақасидан орттириб, пул сарфлаб театрга кирган томошабинда нима айб?! Нега ёлғондан куласан, нега юракдан йиғлямайсан?! Сен яша, саҳнада яша...» дердилар.

Менимча, театрларимиз ҳали турғунлик даврининг иллатларидан қутула олмаяпти. Халқ узоқ йиллар ишонган ва эътиқод қўйган кишиларнинг уйидан килолаб олтин чиқади-ю, кимлардир 60—80 сўм маош билан камтарона тирикчилик қилади. Уша йилларнинг иллати санъатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Унвон ва мукофотлар кетидан қувган иккиюзламачи ва беқарор санъаткорлар пайдо бўлганди. Театр саҳнаси кимларнингдир шахсий манфаати — бойиш манбаи бўлиб хизмат қиларди...

— Сизга «республикада хизмат кўрсатган артист» унвони кечикиброқ берилганлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— «Мевали дарахтга тош отишади», деган иборада катта маъно бор. Майдароқ гап бўлса-да, айтай: мени олти марта шу унвонга тавсия этишди, аммо... Бировга ялиниб ва муте бўлиб яшаш менга бегона. Билмайман, табиатнинг ўзи шундай яратганми ёки тарбиям шунақами? Тирноқча ноҳақликни ҳам кўтара олмайман. Муҳими, мен учун соғлиғим жойида бўлса, уй-жойим, фарзандларим тинч, театрда ўз ўрним бўлса... Қисқаси, ўз меҳнатим билан яшагим келади...

— Устозларингиздан қандай ўгит-насиҳатлар олганингиз хусусида сўзласангиз!

— Менга саҳнада актёр ўзини қандай тутиши лозимлигини Ш. Бурхонов ўргатганлар. Комик ролларга «ихтисослашишим»да эса Обид Юнусовнинг катта хизмати бор. Ҳали-ҳануз Обид ака ижодий ютуқ ва камчиликларимни беғараз ҳамда самимий тарзда қулоғимга қуйиб келади.

— Театрда «Гамлет» саҳналаштириляпти, деб эшитдим...

— Рост. Баҳодир Йўлдошев режиссёрлигида «Гамлет»ни қўйишга тараддуд кўраяпмиз. Мен ундаги Қирол образи устида ишлаяпман. Гамлет роли эса Ҳожиакбар Нурматовга ишониб топширилган. Аммо ҳали тайёр бўлмаган спектакль хусусида кўп гапирмаган маъқул.

— Санъатга қандай кириб келганингиз ҳақида икки оғиз тўхталсангиз!

— Болалигимда онам мени «Ревшан ва Зулхумор» спектаклига олиб тушганлар. Уша кундан бошлаб актёрларнинг ҳаёти билан қизиқиб қолганман. Лекин қатъий бир қарорга келгунимгача наққошлик ва махсидўзлик қилдим. Онамга элтиб берадиган маошимдан ортган пулга билет олиб театрга югурардим. Ниҳоят, 1964 йилда А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институти студенти бўлдим. Ўқишни тугатганимдан сўнг эса театр санъаткорлари сафига қўшилдим.

— Оилангиз аъзолари билан таништирсангиз!

— Мен аслида Андижон областининг Хўжаобод районида туғилганман. Отам Комилжон Ҳусанов адабиётга ихлосманд, ўқимишли киши эдилар. Онам Хайринисо ҳозирги кунда 80 ёшга борган бўлсалар-да, ҳали тетик. Рафиқам Мўътабар Комилова эса Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг етакчи актрисаси. Олти нафар фарзандимиз бор...

— Сўнгги савол: бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз!

— То болаларим ўқишларидан келиб, саволларга кўмиб ташлагунларига қадар мириқиб дам оламан (очиғи, баъзан юмуш кўплигидан ниҳоятда чарчайман). Шунингдек, А. Орипов, Шуҳрат ва Шукрулло шеърларини қайта-қайта ўқийман.

— Эркин ака, ўйлаймизки, томошабинлар ҳали сизни жуда кўп ролларда кўришиб, чиннакам маҳорат билан яратган қаҳрамонларингиз [улар хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин]дан баҳраманд бўлишади. Санъатга чанқоқ халқимизга хизмат қилишдек эзгу орзу-умид ва мақсадларингизнинг рўёбга чиқаверишига тилакдошмиз.

— Сизга ҳам яхши ниятлар тилайман. Раҳмат!

Суҳбатни Я. КАРИМОВА олиб борди.

СУРАТДА: Эркин Комилов (ўнгда) СССР халқ артисти К. Лавров ва Ё. Саъдиев билан.

С. Маҳкамов фотоси.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

10—15 апрель кунлари Ўзбекистонда Иркутск маданияти кунлари ўтказилади. Сибирдаги энг қадимий шаҳарлардан бирининг тўрт юздан кўпроқ вакили республика аҳолисини Шарқий Сибирь халқларининг маданияти ва анъаналари билан таништиради. Дўстлик байрами программасида Иркутск музейларининг фондларида сақланаётган манзарали амалий санъат асарлари кўргазмаларини очиш, Иркутск ёзувчиларининг асарлари асосида суратга олинган ҳужжатли ва бадиий киноленталарни намойиш қилиш кўзда тутилган. Профессионал артистлар ва музикачилар, бадиий-ҳаваскорлик коллективлари концерт берадилар. Байкал соҳилларидан келган меҳмонлар Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий саҳналарида Ўзбекистон маданият арбоблари, меҳнатчилари билан учрашадилар. Кунлар доирасида халқ миришкорларининг қўли билан ясалган буюмлар кўргазмаси очилиб, шу буюмларни сотиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Маданият министрлигида бўлиб ўтган амалий кенгашда бўлажак дўстлик байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гаплашиб олинди, кенгашда Иркутск вакиллари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Спорт

ИККИНЧИСИДА ҒАЛАБА

✦ «ЮБИЛЕЙ» спорт саройининг кичик залида волейбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига командаларининг навбатдаги тур ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» қизлари биринчи кун Ворошиловграднинг «Искра» коллективига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйишган эди. Иккинчи турда Бокунинг БЗБК командаси билан учрашдилар. Аввалига тошкентликлар ташаббусни рақибларига бериб қўйишди. Биринчи бўлимда 9:15, иккинчи бўлимда эса 10:15 ҳисобларида ютқазиб қўйишди. Кейинчалик эса 15:4 ва 15:13 ҳисобларида устун келиб, умумий ҳисобни тенглаштирдилар. Ҳал қилувчи бешинчи бўлим ниҳоятда кескин ўтди ва гоҳ у, гоҳ бу команда олдинда борди. 17:15 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар умумий 3:2 ҳисобида қийин ғалабага эришдилар.

Кеча командаларнинг такрор ўйинлари бошланди. «Автомобилист», «Искра» билан, Бокунинг БЗБК коллективи «Уралочка-2» билан учрашди.

ОЛЕГ РОМАНЦЕВ — «СПАРТАК» ТРЕНЕРИ

✦ МОСКВАНИНГ «Спартак» коллективига бир неча йил устозлик қилган Константин Бесков пенсия ёшига етганлиги муносабати билан вазифасидан бўшатилган эди. Сайлов йўли билан янги тренер тайинланди. Шу командининг собиқ ўйинчиси 35 ёшли Олег Романцев катта тренер қилиб сайланди.

БОКСЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

✦ ФРУНЗЕ шаҳрида бокс бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари давом этмоқда. 60 килограммгача вазнлилар баҳсида Ўзбекистон чемпиони Артур Григорян РСФСР чемпиони Андрей Пестряев билан учрашиб, очколар бўйича ғолиб чиқди ва чорак финалга йўлланма олди.

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни — бугун соат 17 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида қонунларга риоя қилишни назорат этиш бўйича Тошкент прокурори Эркин Азимов қабул қилади.

Жамоатчилик Совети қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонада жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-64.

«Тошкент ҳақиқати» жамоатчилик Советининг қабулхонаси.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

Совет Иттифоқи бўйлаб

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРГА

Саёҳатга таклиф қилади

МАЖЕКЯЙ, 1 февралдан 5 февралгача. Баҳоси — 259 сўм.

КРАСНОГОРСК, 4 февралдан 8 февралгача; 17 февралдан 21 февралгача.
Баҳоси — 213 сўм.

КАПСУКАС, 6 февралдан 10 февралгача. Баҳоси — 228 сўм.

ЛЬВОВ, 6 февралдан 10 февралгача, 13 февралдан 17 февралгача.
Баҳоси — 250 сўм.

МОСКВА, 6 февралдан 10 февралгача, 12 февралдан 16 февралгача, 19 февралдан 23 февралгача, 26 февралдан 2 мартгача. Баҳоси—224 сўм; 3 февралдан 5 февралгача, 12 февралдан, 13 февралгача, 17 февралдан 19 февралгача, 25 февралдан 27 февралгача. Баҳоси — 164 сўм.

ОДИНЦОВО, 7 февралдан 11 февралгача. Баҳоси — 224 сўм.

КАЛИНИНГРАД, 10 февралдан 14 февралгача. Баҳоси — 208 сўм.

ВОЛГОГРАД. 10 февралдан 13 февралгача, 13 февралдан 17 февралгача. Баҳоси — —195 сўм.

ВЛАДИМИР, 13 февралдан 17 февралгача. Баҳоси —210 сўм.

ПУША-ВОДИЦА, 14 февралдан 18 февралгача. Баҳоси — 230 сўм.

ЮРМАЛА, 14 февралдан 19 февралгача, 24 февралдан 1 мартгача. Баҳоси — 283 сўм.

АНИКШЧЯЙ, 18 февралдан 24 февралгача. Баҳоси — 274 сўм.

ИРПЕНЬ, 23 февралдан 27 февралгача. Баҳоси —237 сўм.

РОСТОВ ВЕЛИКИЙ, 23 февралдан 27 февралгача. Баҳоси — 204 сўм.

ВИЛЬНЮС-РИГА-ТАЛЛИН, 9 февралдан 23 февралгача. Баҳоси — 350 сўм.

КЛАЙПЕДА-РОКИШКИС, 13 февралдан 25 февралгача. Баҳоси — 300 сўм.

ВИЗУ-ЛЕНИНГРАД, 21 февралдан 2 мартгача. Баҳоси — 310 сўм.

НОВГОРОД-ШАЛЬЧИНИНКАЙ, 20 февралдан 2 мартгача. Баҳоси — 305 сўм.

КИЕВ, 24 февралдан 28 февралгача. Баҳоси — 242 сўм.

ВИЛЬЯНДИ, 27 февралдан 3 мартгача. Баҳоси — 240 сўм.

СЕВАСТОПОЛЬ, 6 февралдан 10 февралгача, 20 февралдан 24 февралгача. Баҳоси — 226 сўм.

ДУШАНБА, 10 февралдан 12 февралгача. Баҳоси — 73 сўм.

КИНГИСЕПП, 13 февралдан 20 февралгача, 17 февралдан 21 февралгача.

ЗАГОРСК, 27 февралдан 3 мартгача. Баҳоси — 220 сўм.

БРЕСТ-БОРИСОВ, 19 февралдан 27 февралгача. Баҳоси — 270 сўм.

ВЕНТСПИЛС-ДОБЕЛЕ, 26 февралдан 4 мартгача. Баҳоси — 270 сўм.

БРЕСТ-МИНСК, 9 февралдан 17 февралгача. Баҳоси — 278 сўм.

ЕССЕНТУКИ, 1 февралдан 20 февралгача. Баҳоси— 314 сўм.

ЛЕНИНГРАД, 4 февралдан 13 февралгача. Баҳоси — 247 сўм.

ПЯТИГОРСК, 6 февралдан 17 февралгача. Баҳоси— 310 сўм.

КИЕВ, 10 февралдан 19 февралгача. Баҳоси —335 сўм.

РИГА-КАУНАС, 9 февралдан 18 февралгача. Баҳоси — 275 сўм.

ВИЛЬНЮС-ПАЛАНГА, 17 февралдан 28 февралгача. Баҳоси — 286 сўм.

Самолёт билан бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69«а» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОМЛИ РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ

27, 28 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да

ШАРОФ БОШБЕКОВ асари

«Темир хотин»

(Икки пардали жиддий комедия)

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. ОТАБОЕВ.

Рассом — Ш. ЎРМОНОВ.

ТЕАТРНИНГ БОШ РЕЖИССЕРИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЕРОВ.

Спектакль ТОШДУ МАДАНИЯТ САРОЙИДА соат 19.00 да бошланади.

Адрес: Студентлар шаҳарчаси. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-39-55. 41-05-50.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р— 11341. Б. 1531. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12